



2019 yil «23» март

116 – Қ - sonli

Samarqand sh.

**Ургут туманидаги “Равотхўжа”
сув тўғонида оғир вазли юк
машиналари ҳаракатини тақиқлаш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Зарафшон” магистрал тизимидан фойдаланиш бошқармаси, вилоят ИИБ ЙХХБ, вилоят Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси, Самарқанд кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси, вилоят Фавкулудда вазиятлар бошқармасининг Ургут туманида жойлашган “Равотхўжа” сув тўғонида оғир вазли юк машиналари ҳаракатини тақиқлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ургут туманидаги “Равотхўжа” сув тўғони устидан оғирлиги 3 тоннадан юқори бўлган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқлансин.

3. Вилоят ИИБ ЙХХБ (А.Носиров)га “Равотхўжа” сув тўғонининг кириш ва чиқиш жойларига оғир вазли юк автотранспорт воситаларини ўтишини тақиқловчи йўл белгиларини ўрнатиш ҳамда тизимли назорат ўрнатиш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров ва вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи А.Носировлар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов